КПСС XXVII съезди шарафига

# НОВАТОРНИ КИМ ҚЎЛЛАЙДИ?

Лаборатория ва корхоналарда ишлаб чиқилаётган энг яхши техникавий ечимлар, новаторларнинг қимматли таклифлари дарҳол бутун халқ хўжалигининг мулки бўлиб қолиши керак. Замон шуни талаб қилади. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг раиси Е. И. Тюрин шу жамият марказий кенгаши мазкур вазифани қандай ҳал этаётганлиги ҳақида гапириб берди.

— Машина ва механизмларни яратувчилар беҳуда ишламаслик учун илк босқичдаёқ техниканинг ўзлари қизиқаётган бўлими ҳақида имкони борича ахборотга эга бўлишлари керак,— деб таъкидлади у ТАСС мухбирига. Бу — кашфиётлар ва ихтиролар давлат комитетининг вазифаси, аммо улар яратган ахборот банки ҳозирча бундай маълумотларни оператив равишда олиш имконини бермайди. Бу манбадан тез ва қулай тарзда фойдаланиш имконияти яратилиши керак. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳасида ихтирочилик ишини яхшилаш юзасидан қўйилган масъулиятли вазифалар шуни ҳам назарда тутади.

Ҳозир Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти составида 14 миллионга яқин кишини бирлаштирувчи 110 мингдан кўпроқ бошланғич ташкилот бор. Улар фан-техника тараққиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган беш йиллик мобайнидагина жами 31 миллиард сўмга яқин иқтисодий наф берадиган 150 мингтадан зиёд ихтиро халқ хўжалигига жорий этилди.

Мамлакатда «Ихтирочилар ва рационализаторларнинг XXVII съездга ижодий ҳиссаси» шиори остида новаторларнинг ҳаракати кенгайиб бормоқда. Корхоналарда, колхоз ва қурилишларда техникани яхшилаш, ресурсларни тежаш, меҳнатни енгиллаштириш имконини берадиган янгиликлар тобора кенг миқёсда жорий этилмоқда. Бу ҳаракатда «ЗИЛ», «Электростальтяжмаш», «Уралмашзавод» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг Минск автомобиль заводининг коллективлари айниқса салмоқли муваффақиятларга эришдилар. К. Е. Ворошилов номидаги Днепропетровск комбайн заводида новаторларнинг таклифлари юзтага яқин иш ўрнини бўшатиб олиш имконини берди.

Бироқ, ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг кўпгина бошланғич ташкилотлари янгиликларнинг қатъий жонкуярлари эканликларини ҳали ҳам тўла намоён қилганлари йўқ. Масалан, СССР Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигининг, Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг ҳамда СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг корхоналарида жорий қилинган ихтиролар сони камайди. Озарбайжон, Шимолий Осетияда, Хабаровск ўлкасида, Пенза ва Рязань областларида ҳам аҳвол шундай.

Новаторларнинг олдига қўл меҳнатини қисқартириш, маҳсулот тайёрлашга бўладиган материал сарфини камайтириш, маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган конкрет ва албатта энг муҳим масалалар қўйилиши керак. Ихтирочилик фаолиятини планлаштириш соҳасида ҳозир амал қилиб турган кўрсатмалар ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим. Замон руҳига мос келадиган ва барча корхоналарнинг раҳбарлари учун мажбурий бўлган ҳужжат ишлаб чиқилиши лозим. Фан ва техника Давлат комитети, СССР Госплани ҳамда кашфиётлар ва ихтиролар Давлат комитети бу ишни қилиши мумкин.

Масалани шундай ҳал этиш мақсадга мувофиқ эканини тажрибанинг ўзи кўрсатиб турибди. Кўпгина корхоналарда фан-техника ижодкорлигини кучайтириш тажрибаси бор. Чунончи, Жанубий машинасозлик заводида истиқболли янгиликларни яратган кишиларга «Илғор ижодкор инженер» фахрий номи берилади, улар катта имтиёзлардан фойдаланадилар. Аммо янгиликлар ҳатто кўриб чиқиш учун қабул ҳам этилмаётганини кўрсатувчи бошқа мисоллар ҳам бор. Краснодар ўлкасидаги Жуба мева-сабзавот совхози раҳбарларининг айби билан саккизта муҳим таклифни амалга оширишнинг иложи бўлмаяпти.

Бу —бюрократизмнинг кўринишигина бўлиб қолмай, шу билан бирга қонунларни қўпол равишда бузиш ҳамдир.

Аммо агросаноат комплекси ҳозир новаторларнинг ёрдамига айниқса муҳтож бўлиб турибди. Қишлоқ меҳнатчиларига шаҳарликлар ҳам ёрдам беришлари мумкин. Саратов электр агрегатлар бирлашмасининг намунаси бунга далилдир. Бултур бирлашма ходимлари 50 та оригинал ечимни ишлаб чиқиб, оталиқдаги хўжаликларга жорий этдилар. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг Таллин радиоэлектротехника ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ташкилоти активлари бир неча колхознинг ўз патент муассасини ташкил этишда ёрдам бердилар. Шу туфайли, масалан, «Куусалу» колхози ҳар йили ем-хашак сарфини кўпайтирмай туриб, қўшимча равишда бир неча юз тонна гўшт олмоқда.

Бироқ, бундай мисоллар унчалик кўп эмас. Кўпчилик хўжаликларда новаторларнинг таклифларини расмийлаштирадиган, бу таклифларнинг самарадорлигини аниқлайдиган, энг қимматли ечимларни танлаб олиб, жорий қилиш билан шуғулланадиган одамнинг ўзи йўқ.

— Ихтирочилик тўғрисидаги янги қонун новаторларнинг муҳим ишини қатъиян кучайтиришга ёрдам берди, деб умид қиламиз, бу қонуннинг лойиҳасини жамиятимиз аъзолари ҳам ҳозир кенг миқёсда муҳокама қилмоқдалар,— деди пировардида Е. И. Тюрин. — Мамлакат ихтирочилари ва рационализаторлари КПСС XXVII съездини ижодий муваффақиятлар билан кутиб олиш учун ўзларининг бутун кучларини сарфлайдилар.

Қишлоқ—шаҳарга





Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози теплица-парник хўжалиги шаҳарликлар дастурхонига помидор, бодринг, лимон ва кўкатларни пешма-пеш етказиб бермоқда. Хўжалик ходимлари бу йил пландан ташқари 7 тонна помидор, 1 тонна кўкат ва 10 минг дона лимон топширишни мўлжаллашмоқда.

СУРАТЛАРДА: ҳосил йиғиб олинмоқда.

Ф. Абдурасулов фотолари.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун!

## ТЕПЛИЦА НЕЪМАТЛАРИ

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози шаҳримизга чегарадош. Бу колхоз азаматлари ҳамшаҳарларимизга қишда ҳам дала неъматларини етказиб беришмоқда. Улар ўтган йили пландаги 1.100 тонна ўрнига 1.700 тонна помидор, бодинг, редиска, укроп, петрушка ва бошқа ҳар хил кўкатлар етказиб беришди.

Колхознинг 1973 йилда ташкил этилган теплица хўжалиги 8 гектар майдонни эгаллайди. Олдинлари фақат бодринг ва помидор етиштирилар эди. Эндиликда эса ҳар хил кўкатлар билан биргаликда лимонлар етиштирилмоқда. Ўтган йили 20 тонна лимон етказиб берилди. Ҳар йили 35—40 тонна лимон етказиб беришга аҳд қилган М. Алибоев бошлиқ цитрусчилар янги йилнинг биринчи куниданоқ зарбдорларча меҳнат қилишмоқда.

Теплицанинг ҳар бир квадрат метридан 16,5 килограмм ҳосил йиғиштириб олинишига эришилмоқда. Бу ишларда М. Абдуллаев, Ҳ. Раҳимова, Х. Мирсаидова каби илғорлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Ичкиликбозлик—иллат

## ҲАЁТ ҚАДРИ

ИЧКИЛИКБОЗЛИК касофат эканини, у умр эгови, бахт заволи, ақл-идрокнинг кушандаси эканини ҳамма билади. Ана шу ёмон иллатга қарши олиб борилаётган кураш яхши самаралар бераётганидан ҳаммамиз қувонамиз, лекин орамизда онда-сонда бўлсада ичиб турадиганлар учрайди. Баъзилар, пиво кучли спиртли ичкилик эмас, деб унга ружу қўядилар. Медикларнинг аниқ маълумотига қараганда, бир кружка пиво ичган шофёр кузатиш ва аниқ тусмоллаш қобилиятини йўқотади.

Ичкилик туфайли шундай бахтсиз ҳодисалар юз берадики, у бир умрга ўз изини қолдиради.

Институтда биз билан бирга ўқиган бир студент дўстимиз бор эди. Унинг фанлардан ўзлаштиришлари, хулқи, одамгарчилиги яхши эди, Лекин битта айби бор эди. У ўша талабалик йиллари ҳам ичиб юрарди. Яқинда шу дўстимиз тўғрисида хунук хабар эшитдик. У бир улфатчиликда ўртоқлари билан алламаҳалгача ичиб ўтирган, кейин яримта арақни бир кўтаришда ичишга баҳс бойлашишган. У шундан кейин, маст бўлиб, ўша хонадондан чиқиб кетганини ҳеч ким сезмай қолган! Эртасига маълум бўлишича, у кечаси тоғ дарёси соҳилига бориб ечинганда, сузиб ўтмоқчи бўлган ва маст ҳолатда бўлгани учун ўзини эпполмай чўкиб кетган. Шундай қилиб, бир навқирон йигит ёмон иллат —ичкиликка ружу қўйиб, «оқ» арақнинг қурбони бўлди.

Энди баъзи бир мисолларга мурожаат қилайлик. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларида келтирилишича, автомобиль ҳалокатларининг 60 проценти ичкилик оқибатида содир бўлар экан. Ҳар йили 250 мингга яқин киши фақат автотранспорт фалокати туфайли ҳалок бўлмоқда, миллионлаб кишилар ишга яроқсиз бўлиб қоляпти. Яна шу нарса муҳимки, буларнинг деярли кўпчилиги ёшлар, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган эркак ва хотин-қизлардир.

ЁШЛАР тўғрисида атоқли турк шоири Нозим Ҳикмат шундай деган: «Ёшлик — бу орзу. Бу— ишонч. Бу — жасоратга интилиш. Бу лирика ва романтика. Бу келажакка тузилган улкан режалар. Бу истиқболнинг бошланиши». Ҳақиқатан ҳозирги даврда ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларида ёшлар меҳнат қилишмоқда. Мамлакатимиздаги кўпчилик ишларни оловқалб ёшларимиз амалга оширмоқдалар. Ёшлар ўртасида ичкиликбозликка батамом барҳам берилиши нур устига аъло нур бўлади.

Яна бир нарсани ҳам таъкидлаш ўринлидир. Медик олимларнинг фикрича, жигар циррози кўпчилик ҳолларда алкоголь ичимлик истеъмол қилиш натижасида пайдо бўлар экан. Францияда алкоголь ичимлик оқибатида жигар циррози эркакларда 85 процентни, хотин-қизларда 75 процентни, Италияда эса эркаклар ва хотин-қизларда 66 процентни ташкил қилади.

Ленин мукофоти лауреати, академик Ф. Углов ўзининг илмий кузатишларидан бирида, алкоголь ичимлигининг наслга таъсирини ўрганиб, кўпчилик болаларнинг ногирон бўлиб туғилиши ва ақлининг паст бўлиши ичкиликка боғлиқ эканини исботлаган.

Француз врачи Демме 28 йил давомида ичкиликбоз эр-хотинларнинг 100 нафари устида тадқиқот ишлари олиб борган. Маълум бўлишича, бу оилаларда туғилган 57 фарзанднинг 25 нафари ёшига етмай ўлган, бештасида тутқаноқ касаллиги бўлган, 5 тасининг бош миясида сув тўпланган, 12 нафари эса асаб касали билан, фақат ўнтасигина соғлом туғилган.

Мана шу зикр этилганлардан спиртли ичимликнинг ҳар томонлама зарарли эканлиги кўриниб турибди. Шундай экан, маҳаллаларда, турар жойларда, клуб ва маданият муассасаларида, ҳар бир оилада ичкиликнинг ёмон касофат эканини кенг тушунтириш, айниқса ёшларнинг бу хунук одатга берилмаслиги чора-тадбирини кўриш керак.

Инсон саломатлиги, оила фаровонлиги энг катта бахтдир. Бу бахтни ардоқлаш, унинг қадрига ета билиш ҳушёр ва етук инсоннинг ҳақиқий бурчидир.

**М. ОЛЛАМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология институтининг илмий ходими.**

## ОВҚАТНИНГ ТАЪМИ

Таом тайёрланаётганда унинг туз-намагини билишда ошпаз ҳушёр бўлиши керак. Японларнинг миллий таомларида, айниқса бу иш алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, овқатга қўшиладиган дориворларнинг тури шу қадар хилма-хилки, ҳатто тузнинг баланд-пастлигини билиш ҳам мушкуллашиб қолади.

Японияддаги «Токио Санкио» компанияси пазандаларни бу мушкулдан халос этишда хайрли иш қилишди. «Туз датчики» деган асбоб ихтиро қилинди. Бу айрим шифокорларнинг шоҳидлик беришича, кам тузли овқат истеъмол қилувчи беморлар учун анча қулайлик яратган. Датчикнинг кўриниши чиройли, бежирим ишланган бўлиб, медицина термометрига ўхшаб кетади. Ундаги ўнта кўндаланг чизиқча рақамлар ўрнини босади. Датчикнинг ингичка тарафидан қозондаги овқатга ботириб тугмачасини боссангиз бас, овқатнинг тузини шундоқ «айтади-қўяди».

**Қ. ОДИЛОВ тайёрлаган.**

Табиат инъомлари

## МАРВАРИД ДУРИ

**Ҳурматли редакция! Марварид дури нима, улар қандай пайдо бўлади!**
**С. ОЛИМХЎЖАЕВА, медицина ҳамшираси.**

Марварид — инжу табиатнинг нодир инъоми ҳисобланади, халқ тилида уни марварид дури дейилади. Инжу асли Хитойда топилган бўлиб, қадимдан безак сифатитида ишлатилиб келинган.

Марварид юмшоқ танли малюскаларнинг чиғаноғи садафида ҳосил бўладиган думалоқ ёки ноаниқ шаклли донадор маҳсулот ҳисобланади. Таркиби текширилганда дур ва унинг чиғаноғи бир хилда. Уларни кимёвий таркиби, асосан, кальций ва органик моддадан иборат. Марварид турли рангда жилоланади. Унинг йирик доналари халқ тилида дур деб аталиб келади.

Марвариддор чиғаноқлар чучук ва денгиз сувларида яшайди. Чиғаноқларнинг ичида секин-аста марварид доначалари етилади. Бундай чиғаноқлар кўпинча тропик денгизларда, сув остидаги ўсимликларга ёпишган ҳолда яшайди. Чиғаноқларнинг садафлари қалин ва ялтироқ бўлганидан улар ҳар хил безаклар (тугмалар, сумкалар, зийнат буюмлари) учун кўплаб овланади. Юқори сифатли дурлари бор чиғаноқлар океан ва денгизларнинг тубида яшайди. Дурлари сарғиш, оқиш, пушти рангли бўлади, улар орасида қуш тухумидек келадиган дур ҳам топилган. Айниқса, Қизил денгиз, Япония, Шри Ланка денгизларида дурли чиғаноқлар кўп учрайди. Узоқ Шарқ, Хитойдаги чучук сув ҳавзаларида ҳам дурли чиғаноқлар овланади.

Қадимдан дур марваридлари аёллар безаги бўлиб келган. Унинг таркибида органик микроорганизм мавжудлиги сабабли, тақилганда инсон танаси ҳарорати таъсирида товланади. Баъзи аёллар бундай тақинчоқни тақиб юрмай, авайлаб тугиб-яшириб қўйишади. Натижада дур доначалари хиралашиб, баъзан эса нураб ҳам қолади,бу ҳол унинг сифатига ва кўринишига салбий таъсир кўрсатади.

Дурни денгизлар остидан топиш кўп меҳнат ва машаққат эвазига бўлади. Шунинг учун ҳам у дунё бозорида қиммат ҳисобланади.

Япон олимлари ёш малюскаларга майда марваридларни жойлаб, уларни сунъий усулда мўътадил иқлим шароитида боқа бошладилар. Бу усул ўн йилдан сўнг ўз самарасини кўрсатиб, йирик шаклдаги қимматбаҳо дурлар етиштириш имкониятини бермоқда.

**О. КАРИМОВА, инженер-технолог.**

— ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР —

Уй-рўзғор ташвишида

## ГИЛАМ ТОЗАЛАШ

Гилам полни супуришдан олдин тозаланади. Гиламни энг яхшиси пилесос билан тозалаш осонроқ, бунда гиламнинг тескариси, кейин ўнги тозаланади. Янги гиламни пилесос билан ҳафтада бир марта тозалаш керак. Пилесос бўлмаганда ёки сақлаш учун йиғиштириб қўйиш зарур бўлганда уни ҳовлида таранг тортилган арқонга осиб бир оз қуритиш ва яхшилаб қоқиш лозим. Қишда гиламни қорга ёзиб ва устига қор сепиб чўтка ё супургида супуриб тозалаш мумкин.

Катта, оғир гиламларни уй ичида тозалаш мумкин. Бунинг учун майдалаб кесилган барра ўт, хўл шама, сал-пал намланган ёғоч қипиғи гилам юзига бир текисда юпқа қилиб ёйилади, туки ётган йўналишда ўртасидан четига томон супурилиб, бунда дағал қил чўтка ишлатилмасин. Чунки гиламнинг сифати бузилади. Гиламни йилига икки марта новшадил спирти қўшилган сувда хўлланган майин қил чўткада чўткалаш мумкин (бир литр сувга икки ош қошиқ новшадил спирти солинади). Кейин гилам тоза латта билан артиб қуритилади.

Сиёҳ доғларини гиламдан тоза кетказиб бўлмайди. Шунинг учун гиламга сиёҳ томиши биланоқ томчини шу заҳоти пахта, қоғоз, губка, латтага шимдириб олиш, қолган доғни дарҳол қайноқ сут, лимон суви, лимон кислотасининг ёки сирка кислотасининг ўткир эритмаси билан артиб тозалаш керак. Сут билан кислотани кетма-кет ишлатиш мумкин. Тампонга сиёҳ юқиши доғнинг кетаётганлигидан дарак беради, бу ҳолда тампонни янгилайвериш керак. Гиламнинг лой теккан жойларини қуригандан кейин чўткалаб тозаланади.

**Н. ОДИЛХЎЖАЕВА.**

### МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

- Кийим чўткаси юмшаб, бўшашиб қолган бўлса, аччиқтош эритилган сувга 2—3 соат ботириб қўйинг, шунда қилларининг дағаллиги тикланади.
- Рангдор пойафзалларда доғ бўлса кетказиш учун пиёзни кесиб, у билан артилса топтоза бўлади.
- Кир совунда ишқор ва ҳар хил кислоталар кўп бўлади. Уни ишлатганда, айниқса кир ювганда қўллар дағаллашиб, тери ёрилиши мумкин. Шунинг учун бу совунда кир ювиб бўлгач, қўлга бирон хил крем ёки вазелин суринг.
- Суварак балиқ ҳидига ўч бўлади. Консерва банкасига тузланган балиқ солиб қўйилса, унга тараканлар кўп йиғилади, кейин уларга қайноқ сув қуйиб қириш мумкин.
- Кирланган эшик ва ромларни чой содаси эритилган сувда ярқиллатиб тозаласа бўлади.

Ахлоқ мавзуида

## УМР САВДОСИ

ХОНАДОНДА чақалоқнинг «инга»си янграб кетди. Яна бир инсон дунёга келди. Ота-она қувончига, оила қувончига қувонч уланди. Хонадонга файз кирди. Қўни-қўшни, қавми-қариндош, ошна-оғайнилар қутлови, келди-кетдилар бўлди. Ҳаётнинг лаззатини, умрнинг маъносини инсон шундай дақиқаларда яна ҳам чуқур ҳис қиларкан. Ҳа, фарзанд ота-она ҳаётига қувонч, ширин ташвишига «ташвиш» қўшаркан.

Фарзанд —умр меваси, дейишади. Фарзандни вояга етказиш, уни инсон қилиб элга қўшиш ота-она бурчи, фахри албатта. Фарзанд ўқиб, илм-ҳунар эгаси бўлиши учун ота-она жон куйдиради. Ҳаётда қоқилмасин деб одоб-ахлоқ бобида чиниқтиради. Эртароқ дастёрчиликка солиб, уй-рўзғор ишларига кўзини пиширтиб боради.

Ўғил-қизи вояга етганда бахтини ўйлаб қолади. Ниҳоят, қизини тенгига узатиб, ўғлини муносибига уйлаб, кўнгли жойига тушади. Уларнинг қўшгани билан қўша қариб, ували-жували бўлиб кетишларини ўйлайди.

Қадимдан қолган яхши одатлардан бири —куёвга чиқаётган қизга онанинг насиҳатидир. Шарқ афсоналаридан бирида она қизига шундай насиҳат қилади:

«—Эй қизим! Сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан, сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан! Унинг олдида камтар бўлсанг, у олижаноб бўлади.

Қизим! Куёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга қудрати бўлмаган нарсаларни талаб қилма! Бундай қилсанг оиладаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. Ўзингга хушбўй нарсалар билан оро бер, покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин! Ўзингни аччиқ ва пичинг сўзлар айтишдан сақла, тилингни ширин, юзингни ҳамиша очиқ тут. Менинг бу гапларимни қулоғингга исирғадек тақиб, дилингга жо этиб олгин».

Она насиҳатида, қиз монанд тушган хонадонига меҳр қўйиши, рапти-ройини тутиши, умр йўлдошининг табиати — кўнглини тушуниши кераклиги, пок табиат, ораста, саранжом-саришта, зийрак, камтар, очиқ юз, ширин сўзли бўлиш каби хислат-фазилатлар айтилади. «Сув келса симириб, тош келса кемириб», бир марта бериладиган умрда муросаю-мадора билан ўйлаб яшашни қизи қулоғига қуяди.

ТАБИИЙКИ, оилада турли воқеалар, айрим келишмовчиликлар, қийинчиликлар бўлиши мумкин. Бундай нохушликлардан қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, таниш-билишларнинг хабардор бўлиши шарт эмас. Оиладаги ҳар бир муаммони эр-хотиннинг ўзи ҳал қилгани маъқул.

Ҳар бир инсон боласи оилавий ҳаётда, умрдош бўлгувчи билан ҳеч қачон ёмон ниятда бир ёстиққа бош қўймайди. Аммо айрим кўнгилсиз воқеалар, жанжаллар асосан оилавий бурчни тушуниб етмасликдан келиб чиқади. Оилани сақлаш ва уни мустаҳкамлаш эру-хотиннинг вазифаси, бурчи ҳисобланади.

Оиланинг бузилишига сабаб қидирилса, кўпинча, «характерларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги» баҳона қилинади. Баъзан ҳаётда шундай бўладики, келин-куёвлар характери бир-бирига жуда тўғри келади. Лекин оила бузилиб кетади. Негаки, икки ёш оилавий ҳаётдан фақат ҳузур-ҳаловат ва роҳат-фароғатни қидиришади, кундалик турмуш қийинчиликларига бардош беролмайдилар. Очиқ гап, бу савдолар кўпинча ота-она хатоси, ёмон тарбия оқибатидир.

Турмуш жуда мураккаб нарса. Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, деб ёзган эди Л. Толстой, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир. Суд тажрибасидаги никоҳни бекор қилиш ишларининг таҳлили, энг кўп ажралишларга келин-куёвлар оила турмушига ота-оналарининг аралашуви, арзимас гап-сўзлардан келиб чиқадиган жанжаллар сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда.

Шарофат ая қараб туриб қизининг бебахт бўлиб қолганига куяди. Ўртада паст-баланд гаплар бўлди. «Қанақа ноинсоф одамлар бор,— деб хўрлиги келди, —ҳамма гап қизимнинг ўқишидан чиқди. Куёвим икки оёғини бир этикка тиқиб; «Ишни йиғиштир, уйда ўтир», деди. Ишини ташлади, майли, умр—муросачилик, анчайин ишларсан,— деб юпатдим. Аммо ўқишга ҳам юбормагани инсофдан бўлмади. Қизим ялинибди, бир йил қолганда ўқишимни ташлайманми, дипломлик бўлсам шу уйга, сизга ёрдам бўладику, деса ҳам кўнмабди. Яхшигина ишлаб, институтнинг сиртқи бўлимида ўқиб турганди. Боши тешикдан чиқиб кетаётганмиди? Нега дурустроқ суриштирмадим, деб она ўзини қайта-қайта койиди. Улар совчиликка қатнайвериб ҳол-жонимга қўймади. «Ўқиётган бўлсалар ўқийверадилар» деб охири бунақа номардликка боришди.

Қизим қайнанасига ёлвориб, ўғлини йўлга солишни сўраса, насиҳат қилиш ўрнига: «Келинни кўча учун қилганим йўқ, оғиримни енгил қилиб уйда ўтирсангиз мана, бўлмаса тўрт томонингиз очиқ», деган жавобни қилибди. Ўртада битта болалик бўлишди. Битириб олсин деб боласини боқишга ҳам рози бўлдим. Буни эшитган қудам тўнини тескари кийиб олди. Ҳозир қизим бағримда. Ўқиши ҳам битди, бола ҳам катта бўляпти. Чиққан қиз чиғириқдан ташқари дейишган. Ҳар куни қош-қовоғига қарайвериб, бир ўтим ўн ўт бўляпти. Бир-иккита яқинлар ўртага тушиб муросага келтиришмоқчи бўлишди. Бўлмади. Қайсар куёв, ноинсоф қудалар инсофга келишмади...»

Хўш, бу кўнгилсиз воқеанинг сабаби нимада? Нега эндигина ниш уриб келаётган ёш оила хазон бўлди? Авжи ота-она бағрида меҳрига қониб ўсадиган гўдакнинг ҳоли нима кечади? Ота-она фарзандни не-не умид билан ўстиради. Биз катталар ҳам бир пайтлар бола эдик, ҳаёт йўлимизни топмаган ўсмир эдик-ку. Хўш, ўшанда ота-оналаримиз бизга раҳнамолик қилишган эди, энди биз шуларни, ўз фарзандларимиз олдидаги ҳам қарз, ҳам фарз вазифаларни нега бажара олмаяпмиз?

Ота-онанинг фарзандга раҳнамолиги, ёшларнинг эса ота-онага ҳурмати нимада?

ЁШЛАРНИНГ оилага, умр йўлдошига, рафиқага муносабати қанақа бўлиши, эркакларга ярашиғлик фазилат, аёлларга хос кўркамлик нимада? Шулар ҳақида бир ўйлаб кўрдикми? Ҳаётий тажрибаларга таяниб, баъзи бир фикр-мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Айрим ота-оналарнинг ўғил-қизларини оилавий ҳаётга тайёрлашдек муқаддас бурчларини кўнгилдагидек ўтамаётганликлари оқибатида ёшлар оилавий ҳаёт муаммолари олдида довдираб қолиши ҳоллари рўй бермоқда. Бизнингча, янги оила қурган ёшларга ота-она раҳнамолиги маълум даражада керак. Бир оз оёққа туриб олгунларича мададкор бўлишса ёшлар кейинчалик буни қадрлайдилар. Ёшлар хусусига келсак, ота-она ҳурматини ўрнига қўйиб, озгина меҳнатларини аяшмаса, қайнана-қайнатани дўст билиб, муомала-муносабатда шунга яраша иш тутишса олам гулистон!

Эркак киши ўзининг мустақил фикрига эга бўлгани яхши. Онани бу қўлида, аёлни у қўлида тутиб, ҳар иккала томонга муносиб муомала-муносабатда бўлиши керак. Эркак аёлга болаларининг онаси сифатида қараши, севиши лозим. Бир умрга шу муҳаббатни сақлаш учун қўлидан келганини қилса, тинч-тотув яшаб оилавий ҳаётда бахтиёр бўлади.

Йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлашда отанинг ибрати, йўл-йўриғи катта. Қиз-аёлларга илтифотли, ғамхўр бўлиши, оила ташвишларини баробар тортиши мард эркакнинг иши эканини уқтириши керак.

Оиланинг аҳиллиги, ёшларнинг тиниб-тинчиб кетишида ота-оналарнинг ҳиссаси катта. «Оилада катта— кўприк», деган нақл бор. Юқоридаги мисолда оиланинг бузилишига асосан куёвдаги қайсарлик, қайнана-қайнатанинг «бойвучча»лиги, «қаҳри қаттиқ»лиги ҳамда ота-боболарнинг «пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга», деган ўгитига амал қилмаслик сабаб бўлди.

Фарзандга ота-онанинг раҳнамолиги унга ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйиш, қийинчилик кўрсатмай ўстириш деган гап эмас, балки ёшликдан меҳнатда чиниқтириш, бирор касб-ҳунар эгаси бўлиш, оилавий ҳаётда қоқилмаслик учун қайғуриш демакдир.

Ёшлар ҳам оилавий ҳаётга қадам қўйишдан олдин жуда жиддий ўйлашлари, ҳаёт йўлдоши танлашда таваккалчиликка йўл қўймасликлари керак. Бирор манфаат кўзлаб танланган қайлиқ, шон-шуҳрат ва бойлик учун қурилган оила охири вой бўлишини унутмайлик. Зеро, ҳар бир инсон боласи турмуш, оила, умр савдоси мол-мулк савдоси эмаслигини, бу бахт ўзига хос ташвишли савдо эканлигини туб моҳияти билан ҳис этиши, тушуниши фаҳм-фаросат, ақл-идрок билан иш тутиши керак.

**Ойшахон ТЎРАЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти.**

Ажойиб ҳикоятлар

## МЕҲРИГИЁ

Ҳаётда ўзим гувоҳи бўлган воқеа— фарзандларнинг меҳр-оқибатли, ахлоқ-одобли бўлишини ўйладиму, қадимги бир ибратли ҳикоят эсимга тушди.

Кунларнинг бирида бир одам маслаҳат сўраб донишманд ҳузурига борибди. Доно мезбон уни яхши кутиб олибди, кейин муддаосини сўрабди.

— Эй улуғ зот, — дебди шунда у. — Менинг фарзандларим жуда кўп. Айтингчи, қандай қилсам улардан меҳр, оқибат, фароғат кўраман?..

Донишманд одам ўйлаб туриб жавоб берибди:

— Меҳр кўраман десанг, сен фарзандларинг қалбига меҳригиё уруғини сепгин!

Меҳмон ҳайрон бўлибди:

— Меҳригиё уруғини қайдан топаман?

— Ўзингдан, ўзингни юрагингдан, — дебди донишманд ва сукутга чўмибди...

**Абдуқосим ЮНУСМУҲАМЕДОВ, инженер.**

Фарзандларингиз учун

## ТИНЧЛИК КЛУБИ

Тинчлик клубимизнинг,
Аъзоси кўп оламда.

Мактуб келар улардан,
Турли-туман саломда.

Тиллар ҳар хил бўлса ҳам,
Дўстлигимиз доим бир.

Дўстларимиз кўп жуда,
Афғон, вьетнам, ҳинд, негр.

Тинчлик клубимизнинг,
Мақсадлари зиёда.

Ҳамма-ҳамма одамлар,
Тинч яшасин дунёда.

Тинчлик клубимизга,
Ёзинг, жавоб йўллаймиз.

Тинчликсевар элларни,
Биз доимо қўллаймиз.

**Саодат ТОЖИ.**

## РАССОМ ТАБАССУМИ




**МУДИРА:** — Комиссия келмагани яхши бўлди-да, боғчанинг шунча масаллиғи ўзимга қолди.

●



— Дадаси, сочингиз кирпига ўхшаб қолибди-ку.
— Ўзингизнинг сочингиз-чи, худди шернинг ёли-ку.

Ш. Субхонов расмлари.

